

ИСЛОМ КАРИМОВ: ШҲТ ҲАМКОРЛИКНИНГ УЛКАН САЛОҲИЯТИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА

(Боши 1-бетда)
САВОЛ: Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган. Ундаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик мазкур минтақа ҳаётида қатъи аҳамиятга эга. Сизнинг мавжуд вазият борасидаги нуқтаи назарингизни билмоқчи эдик.

ЖАВОБ: Ўзбекистон, таъбир жоиз бўлса, Марказий Осиёнинг юраги саналади, у минтақадаги беш мамлакатнинг барчаси билан, шу жумладан, сўнгги ўттиз йил давомида уруш домидан чиқа олмайётган Афғонистон билан ҳам чегарадош. Мамлакатимизнинг нафақат жугрофий жойлашуви, балки унинг улкан инсон ресурслари, иқтисодий, маданий ва интеллектуал салоҳияти, цивилизация тарихидagi ўрни, табиий захираларга бойлиги ҳам гоят муҳим аҳамият касб этади.

Айни вақтда Ўзбекистоннинг 1991 йилда, тарихан анчайин мураккаб бир даврда мустақилликка эришганини эслатиб ўтмоқчиман. Ушунда Афғонистондан узоқ йиллик қуролли тўқнашулар давом этган, бутун минтақада сиёсий вазият қай тарзда ривожланиши маҳум бўлиб турган, иқтисодий ва ижтимоий аҳвол ниҳоятда оғир, иқтисодиётнинг кўлаб соҳалари амалда таназзулга учраган эди. Бундай шароитда мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни, Ўзбекистонда ва бутун минтақада миллатлар ва фуқаролараро тотувликни сақлаб қолиш жуда муҳим эди.

Жамиятни, унинг иқтисодий асосини ислоҳ қилиш жараёнида давлатимиз сиёсати ана шу омилардан келиб чиққан ҳолда белгиланди. Ўзбекистонда ислохотлар босқичма-босқич ва изчиллик асосида амалга оширилмоқда. Уларни жорий этишда муайян тарихий шарт-шароит ва бу ерда яшовчи одамларнинг менталитети инобатда олинди. Уларни ижтимоий кўлаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди. Шу билан бирга, биз мамлакатимиз сарҳадларини қўриқлашга, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қодир бўлган Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларини мустахкамлаш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратдик. Халқимиз буларнинг барчасини кўлаб-қувватлади ва пировардида саяхат қилганларимиз минтақа миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустахкамлашга ҳизмат қилди.

Минтақавий хавфсизликнинг узвийлигини, Марказий Осиёда яшовчи халқларнинг тарихий тақдирини муштарак эканлигини инобатга олган ҳолда, биз, қўшнларимиз билан биргалликда, минтақа мамлакатлари билан ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш учун шарт-шароит яратиш бўйича узоқни кўзловчи саяхат қилдик.

Ўзбекистон Хитой тимсолида мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бизни кўлаб-қувватлаб келаётган ишончли, буюк қўшни ва ҳамкорни кўради.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстона алоқаларнинг изчил ривожланишида ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг катта хизмати бор. Биз уни ишончли дўст, ўз мамлакатини фаровонлик йўлидан бошқариб бораётган део ва узоқни кўрувчи раҳбар деб биламиз.

Ўтган йил мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартноманинг имзолангани икки томонлама алоқалар тарихидаги муҳим воқеа бўлди. Биз, мазкур ҳужжат алоқаларимизда салмоқли ўзгаришлар ясаш ва ҳамкорликни узоқ муддатли асосда ривожлантириш учун

мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади, деб қатъий ишонамиз.

Ўзбекистон ва Хитой террорчилик, айирмачилик ва диний экстремизм балосини беvosита бошидан ўтказган мамлакатлар сифатида минтақавий барқарорлик ва хавфсизлики кўлаб-қувватлаш борасида ҳамфикрdir. Биз мамлакатларимизга демократлаштириш ва жамиятни ривожлантириш йўлининг фарба андозаларини четдан туриб тикширишга оид ўрни-нишларга қарши қатъий курашиш борасида ҳам ҳамфикрмиз.

Иқтисодий ҳамкорлик изчил, юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан, 2000 йилга қиёсан олганда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро товар айирбодлаш ҳажми беш баробардан кўпроқ ортди ва ўтган йили, биздаги маълумотларга кўра, қарий ярим миллиард АҚШ доллариға етди.

Шу билан бирга, биз қатъий аминимизки, икки мамлакатда ҳам савдо-иқтисодий ва молиявий-сармоявий ҳамкорликни янада юқори поғонага кўтариш учун ишга солинмаган катта имконият ва улкан салоҳият мавжуд.

Мамлакатимиз хитойлик шерикларнинг сармояси ва илгор технологияларини жалб этишдан манфаатдор. Ўзбекистон Хитойнинг бу мамлакат дунёда етакчилик қилаётган соҳалардаги, масалан, телекоммуникация соҳаси, компьютер ва унинг бўғловчи қисмларини ишлаб чиқариш, маийий техника, машинасозлик, кимё ва нефть кимёси соносатидаги тажрибасига қизиқиш билан қаради.

Биз Хитой компанияларининг молиявий ва техноло- гиявий имониятлари кенгайиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бу уршувлар ўзаро ишончли сиёсий мулоқотни, Ўзбекистон ва Хитой халқларининг очиклик, ишонч, ўзаро англашув ва бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига таъйиб, янада мустахкам алоқаларни қарор топтиришга муштарак интилишлари асосига қурилган манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Хитой тимсолида мамлакатимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бизни кўлаб-қувватлаб келаётган ишончли, буюк қўшни ва ҳамкорни кўради.

Ўтган йил мамлакатларимиз ўртасида Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартноманинг имзолангани икки томонлама алоқалар тарихидаги муҳим воқеа бўлди. Биз, мазкур ҳужжат алоқаларимизда салмоқли ўзгаришлар ясаш ва ҳамкорликни узоқ муддатли асосда ривожлантириш учун

САВОЛ: Тошкентда расман 2004 йилнинг июнида очилган ШҲТ Минтақавий

аксилтеррор тузилмаси бугун ШҲТнинг икки доимий ишловчи органидан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда. Террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашда ҳамда минтақавий хавфсизлики мустахкамлашда бу тузилманинг ўрни қандай?

ЖАВОБ: ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси таъсис этилганидан буён ўтган икки йил унинг долзарблиги ва ўз вақтида ташкил этилганини кўрсатди. Бугун ШҲТ мақомида хавфсизлики таъминлаш масалаларида саяхат қилганларини бирлаштиришнинг, шунингдек, ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизими мутахассислари амалий ҳамкорлигининг платформаси ва воситаси сифатида унинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда мазкур тузилманинг вазифалари фақат террорчилик, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш билан чекланмади. Одамларнинг онгини заҳарлаб, ёшларни йўлдан оздириб, улардан террорчилик ҳаракатларининг сўйр ижрочиларини тайёрлайдиган «кочневер» яратувчи кўлаб радикал ва экстремистик марказларнинг қабиҳ ниятли мафкуравий ишларига қарши курашиш ҳам унинг вазифасидир.

Минтақавий аксилтеррор тузилма ташкил этилганига кўп вақт бўлмаган эса-да, унинг фаолиятида амалий ишлар кунаяётгани кузатилади. Террорчилик, айирмачилик ва экстремистик ташкилотлар ҳамда уларнинг фаолиятига дахлдор шахслар бўйича ягона маълумотлар банкни шакллантириш ишлари якуниға етмоқда.

Ушбу тузилма ишида ахборот-таҳлил билан боғлиқ фаолиятни янада такомиллаштиришга, нафақат бевосита террорчиликка қарши кураш, балки унинг эҳтимол тутилган қўриқларининг олдини олиш бўйича ҳам таъсирчан ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилётгани мақсада мувофиқdir. Бизнингча, бу тўғри ёндашувdir.

Мухтасар айтганда, бугун Минтақавий аксилтеррор тузилма «уч ёвуз куч» - террорчилик, айирмачилик, экстремизмга қатъий ва изчил қарши туришга қодир бўлган тузилмага, ХХI асрнинг таҳдид ва хавф-хатарларини бартараф этиш йўлидаги муваффақиятли ҳамкорликнинг амалий ва самарадор механизмиға айланиб бормоқда.

Аминманки, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, ўз навбатида, ШҲТ доирасида кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш, халқларимиз фаровонлиги йўлида мавжуд улкан иқтисодий ва инсоний салоҳиятини тўла-тўқис ва янада самарали ишга солиш учун мустаҳкам замин яратди.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, ўқувчиларингиз, томошабинларингиз ва тингловчиларингизга ҳамда бутун хитой халқига тинчлик, фаровонлик ва равақ тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Боши 1-бетда)
2005 йилда иқтисодиётни эркинлаштиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кўлаб-қувватлашга, кишлоқ ҳўжалигида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини назорат қилишга, шунингдек, мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотда прокуратуранинг ролини кучайтиришга алоҳида эътибор берилди. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни секинлаштириб қўйдиган коррупция ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши кураш соҳасида муайян ишлар қилинди. Мана шу фаолият натижасида жиноятлар туфайли етказилган 61 миллиард сўмликдан кўпроқ моддий зарар ундирилиб, давлатга қайтарилди.

Сенаторлар ўз чиқишларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва иш билан таъминлаш, уй-жой-коммунал ҳўжалигида ислохотларни амалга ошириш, тадбиркорлар ва фермерларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қўнилар ижро этилишини таъминлаш прокуратура фаолиятининг самарадорлигини оширишда устувор йўналиш эканлигини таъкидладилар.

Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботни тингладилар, сенаторлар бу идора атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қўнун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш, шунингдек, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштириш бўйича аниқ мақсадли ишларни амалга оширилганини кўрсатиб ўтдилар. Вазирликлар, идораларнинг табиати муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштирилмоқда, таби-

сиёсатини таъминлашга, макроиктисодий ва молиявий барқарорликни мустахкамлашга, инфляция даражаси паст бўлишини таъминлашга, пул бозорининг ривожланиши ва эркинлашувини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилганлигини кўрсатиб ўтдилар. 2005 йил якунлари бўйича инфляция кўрсаткичи 7,8 фоиздан ошмади, экспортнинг ҳамда савдо балансида мусбат салдонинг ўсиши республиканинг олтин-валюта захиралари 35 фоиз кўпайишиға олиб келди.

Шу билан бир қаторда, муҳофаза жараёнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, микрокредитлар бериш, микролизинг хизматларини кўрсатиш механизмининг такомиллаштиришга етарли эътибор берилганини кўрсатиб ўтдилар. Марказий банкка нақд пул маблағларининг банкдан ташқарида айланишини қисқартириш, бўш турган маблағларни тижорат банкларидаги депозитларға жалб этиш ҳамда пластик картчалардан фойдаланиш, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатасининг 2005 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи юзасидан парламент юқори палатасининг аъзолари бюджет даромадлари ва бюджетдан ташқари ҳамгармаларнинг шаклланишини, қилинган харажатларнинг асослиги ва самардорлигини ўрганиш минтақалар бўйича, солиқлар, бюджет олдидаги қарз турлари, ортиқча тўланган солиқлар бўйича статистика маълумотлари, шунингдек, йирик ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоботлари асосида солиқлар ва мажбурий тўловларнинг йиғилишини мунтазам таҳлил қилиш соҳасида Хисоб палатаси томонидан олиб борилаётган ишнинг муҳимлигини кўрсатиб

ўтдилар. Бу йўналишда амалга оширилган иш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган йиғирмага таъсирчан тадбирларни кўриб чиқди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини تامомлади.


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

ИНТИЛАНГА ТОЛЕ ЁР

Анджон вилоятидаги «Марҳамат электротехника заводи» очик акциядорлик жамияти «ЎзДЭУавто»нинг маҳаллийлаштириш дастуриға жалб этилган ҳамкорларидан бириға айланди. Бу ерда автомобил учун эшик қўлфлари, 44 турдаги тягалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бугунги кунға келиб «Марҳамат электротехника заводи» да тайёрланаётган «КУ» ўчирғичлари, «ПН-100», «ПН-250» сақлагичлари ҳамда «ВР-32» русумли ва бошқа кўлаб автомат-электр жиҳозларига нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам талаб олиб бормоқда. Бундан ташқари, қорхонада рубльликларнинг янги ва янада мукамал турлари ишлаб чиқаришмоқда.

Суратларда: ишчи Комиллаҳон Аҳмедова; қуёвчи Доғдир Аҳмаджонов



Ш. ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар



Ўртбошимизнинг хусусийлаштириш ва тадбиркорликни кўлаб-қувватлашга доир қатор Фармонлари соҳада катта имкониятларни юзаға келтирди. Уларнинг шароити билан юртининг равақли ва истикбол учун хизмат қилаётган минтақавий иншоотларни қўриб, бугун дилинг яйрайди. Аммо... Тадбиркорликка кенг йўл очилиб, хусусий мулкчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганда бир пайтада айрим «саховатпеша» раҳбарларининг ўз ишиға лоқайдилик билан муносабатда бўлганлиги боис қатор иншоотлар талон-тарож қилиниб, харобаға айланганлигиға нима дейсиз?

Қарий 95 миллион сўмлик давлат мулкни талон-тарож қилган «Юксалиш-Р» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари А.Маҳкамовға нисбатан прокуратура томонидан қўзғатилган жиноят иши судда қўрилиб, ҳуқуқбузарлар тегишли жазосини олди. Нафс гирдобида жиноят қўл урган ишбилармон масъул мансабдор шахсларнинг кўз ўнгига ҳали тўлиқ хусусийлаштириб олинмаган вилоятдаги энг йирик чорва комплексининг биносаларини бемалол бўзиб, мол-мулкни талон-тарож қилиб, ўзлаштираверди. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, таъмир-

Ушбу мажмуанинг биносаларини ижараға олиб, чорва моллари боқаётган «Юксалиш-Р» фирмасининг раҳбари А.Маҳкамов йирик лўқмани бегона қилмасликка бел

ХАРОБАГА АЙЛАНГАН ЧОРВАЧИЛИК МАЖМУАСИ

ёки «боқибегам» раҳбарининг ўз ишиға совуққонлик билан қараш қандай нохўш оқибатларға олиб келгани хусусида

боғлади. Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармасининг барна шартларига қўниб, комплексни сотиб олишға аҳд қилди. Бошқарма қошидаги эксперт комиссиясининг 2002 йил 27 сентябрдаги қарорига мувофиқ иншоот сўм миқдоридида инвестиция киритиш, 2007 йилчаға фаолият турини ўзгартирмаслик шарти билан 220 миллион сўмға сотилди. Мулк

қийматининг 10 фоизи олдиндан, 45 фоизи 2003 йил 20 декабрда, яна 45 фоизи 2004 йил 20 декабрда қўланиши зарур эди. Бошқарма бошлиғи Х.Ҳайдаров-

сизлигини рўқач қилиб, хусусий шахсларға бузиб олишлари учун сота бошлади. Уша пайтадаги бошқарманинг Данғара тумани бўлими бошлиғи Т.Салимов бу таси вилоят бошқармаси раҳбарига расмий хат жўнатганидан кейинги бошлиқ ўринбосари Ф.Обидовға комплексдаги вазиятни беш кун ичида ўрганиб келиш вазифаси топширилди. Лекин ушбу объектни хусусийлаштириш жараёнини назорат қилишга масъул бўлган ўринбосар эса пинагини бузмади. «Шунга ҳам ота гўри қохионами», деб чорва комплексидаги аҳволни бориб кўришға вақт топмади. Яъни, мажбурийларига хилоф иш тутиб, давлат мулкни талон-тарож қилаётган фирма бошлиғи А.Маҳкамовни ўз вақтида жилавлан чораларини кўрмади.

Юксалиш ўрниға тубанлаштиришга ўз тутган фирма шартномада белгиланган муддатда дастлабки 45 фоиз тўловни амалға оширмаганда ҳам муроса йўлини тутди. А.Маҳкамовнинг «банкдан кредит оламан, бугун-эрта тўлаб қўйман» деган гапларини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиб олди. Ишбилармоннинг «бугун-эртаси» ойлариға қўшилди. Ниҳоят, Давлат мулки қўмитасининг Фарғона вилоят бошқармаси «Юкса-

лиш-Р» фирмаси билан шартномани бекор қилишларини сўраб, вилоят ҳўжалик судиға даъво аризаси киритди. Давнони атрофията кўриб чиққан ҳўжалик суди ишчи прокуратураға оширди... Ўз хизмат вазифасиға совуққонлик билан қараб, катта миқдорда давлат мулкни талон-тарож қилишға йўл қўйиб бергани учун бошқарма бошлиғининг ўринбосари Ф.Обидовға нисбатан алоҳида жиноят иши қўзғатилди. Тўловларни узоқ муддат ичида тўламаган, инвестиция мажбурийларини бажармаган «Юксалиш-Р» фирмасидан давлат мулкни қайтариб олиш, хусусийлаштириш тўғрисидаги буйруқни бекор қилиш чораларини кўрмаган, комплекснинг мол-мулки талон-тарож қилинишиға йўл очиб берган бу «саховатпеша»ни суд айбдор деб тоғди. Кимдир қуради, кимдир бузади. Ҳозир Ф.Обидовдан харобаға айланган чорва комплекси «ёдгорлик» бўлиб қолди.

Бахтиёр МАМАТОВ, Фарғона вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

Республика хотин-қизларининг анъанавий спартакиадаси

БАРЧИНОЙЛАР БЕЛЛАШДИЛАР ҚАРШИДА

Республика хотин-қизларининг анъанавий спартакиадаси қатнашчиларига бағишланади

Барчинойлар беллашуви кўрганмисиз, Ой ёнида лолу ҳайрон турганмисиз, Паризодлар мажлисига кирганмисиз, Барчинойлар беллашдилар Қаршида.

Гулни-гулга иззати шунчалардир, Туйгуларнинг журъати шунчалардир, Ҳалоллиги, хурмати шунчалардир, Барчинойлар беллашдилар Қаршида.

Киприк найза қошларни каманд этар, Шивирлашар сўзларини қанд этар, Суҳбатига сизни аржуманд этар, Барчинойлар беллашдилар Қаршида.

Тошни-тошга уриб чақмоқ чақдилар, Дорда туриб машалалар ёқдилар, Юракларда дарё бўлиб оқдилар, Барчинойлар беллашдилар Қаршида.

Қирқ кокилар тебраниб савол қолди, Неки ширин, неки шакар, бол қолди, Алтомишлар хайрат ила лол қолди, Барчинойлар беллашдилар Қаршида.

Тилло бешик, беланчақлар келдилар, Гул ўралган ҳалинчақлар келдилар, Алла айтиб келинчақлар келдилар, Барчинойлар беллашдилар Қаршида.

Сабр-бардош —нодир тошим айланди, Нафосатга боқиб бошим айланди, Кўз тегмасин, дедим ёшим айланди, Барчинойлар беллашдилар Қаршида.

Зулфия МҲМИНОВА

11 июн куни марказий стадионда спартакиаданинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси

нинг Давлат мадҳияси янграб, мусобақа машаласи стадионга олиб кирилганда, томошабин ва мезбонлар спортчиларни олқишлаб қаршиладилар. Машалани Қамали туманидаги 34-мактабнинг 11-синф ўқувчиси акробатчи қиз Дилноза Холиёрова ёқди. Спартакиада байроғи тантанали суратда кўтарилади. Иштирокчиларни Қашқадарё вилояти ҳокими Нуриддин Зайиев табриқлаб, уларга омад тилади.

Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси С.Иномова ҳам мусобақа қатнашчиларини кутлади.

Мусобақа қатнашчилари икки кун давомида спортнинг

8 тури бўйича беллашдилар. Қарши Давлат университети қошидаги академик лицей ва «Насаф» ўйингоҳи спорт залида волейбол, банк коллежидида стритбол, марказий стадионда теннис, ахборот технология коллежидида стол тенниси, «Олимпиа захиралари» коллежи ҳавасида сузми ва синхрон сузми, академик лицей фоллар залида шахмат-шашка мусобақалари бўлиб ўтди.

Дастлабки беллашувлар спортнинг инсон саломатлиги, ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қалбларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, киши иродасини тоблаш, дустлик ва биродарлиқни мустаҳкамлашдаги аҳамияти беқийсизлигини яна бир бор кўрсатди. Аёллар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар сафи кенгайиб, улар орасидан мамлакат ва халқаро миқёсда ўз куч ва маҳоратини синаб кўраётган чемпионлар етишиб чиқатганилиги ҳам бежиз эмас.

Қаршидаги спартакиада хотин-қизлар орасидан янги голибларни кашф этиб, спортни янада омаллаштириш, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш, ёш авлоднинг жисмонан ва маънан камол топишига муҳим ҳисса қўлади.

Кеча катта спорт байрамига яқин ясалди. Президент Ислом Каримовнинг муқофотлари — «Домек» автомашиналари Тошкент шаҳри, Қашқадарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси, Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Чироқчи туманидаги махсус мактаб-интернат ва Қамали туманидаги «Меҳрибонлик» уйи жамоаларига топширилди.

Ҳалилар диплом ва махсус совғалар билан тақдирландилар.

Республика Хотин-қизларининг навбатдаги анъанавий спартакиадаси Тошкент шаҳрида бўлди.

ИЗЗАТ ХИКМАТОВ, ШАВКАТ СУЛТОНОВ, «Ишонч» махсус мухбирлари

СЎЗ — ИШТИРОКЧИЛАРГА

Ҳанифа ЗОКИРОВА — Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ахборот-маتبот маркази раҳбари: — II Республика хотин-қизларининг анъанавий спартакиадаси матбуот-марказининг интернетга уланганлиги, факс, нуска кўчириш, телефон хизматлари яхши йўлга қўйилганлиги бизга жуда қўл келди. Ўзбекистон телерадиоканалларида, марказий рўзномаларда мусобақанинг ўтказилиши ҳақида тезкор хабарлар, репортажлар мунтазам ёриб борилади.

Журналистлар учун транспорт воситалари, ижод қилишлари учун қўлай имкониятлар яратиб берилди. Вилот Телекоммуникация хизматлари жамоаси меҳнати алоҳида тахсинга лойиқ.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Республика қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ўтказилган II Республика аёллар спартакиадасининг мақсади хотин-қизларни спортга жалб этишни янада юқори даражада кўтариш ва корхона, муассаса ҳамда маҳаллаларда оммавий-лаштиришдан иборат. Спартакиада иштирокчилари руҳиятини уларнинг юзларидаги кўтаринки кайфиятдан билиб олиш мумкин.

Қарши жаҳон цивилизациясида муҳим ўрин тутган шаҳар. Унинг бугунги қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб бораётган. Яқинда унинг «Энг обод шаҳар» сифатида эътироф этилиши ҳам бунга тасдиқлади. Кенг ва раван кўчалар, мустиқиллик йилларида барпо этилган иншоотлар, тарихий ёдгорликларни қўриб, ҳувонасан киши. Хусусан, «Насаф» ўйингоҳи билан туташ бўлган «Одина масжиди»нинг қайтадан таъмирланаётганини қадим шаҳарга хусн-тароват бахш этаётти.

Мардона АЙТОВА — Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Олимпия захиралари спорт коллежи қошидаги мактаб-интернатнинг стол тенниси бўйича мураббиси: — Туман, вилоят босқичларида иштирок этиб, стол тенниси бўйича финалга йўлланма олганимиз якуний босқичда қатнашиш имконини берди.

Мусобақаларнинг биринчи кунини 6 та ўйинда иштирок этиб, Тошкент ҳамда Наманганлик тенгдошларим билан куч синашдик. Саида МАДАМИНОВА — Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўжайли шаҳридаги 1-Меҳрибонлик уйи бошланғич қасаба уюшма кўмитаси раиси: — Синхрон сузми бўйича йил сайини мажлали спортчилар етишиб чиқмоқда. Қаршидаги Олимпия захиралари спорт коллежидида сузми ҳавасида ушбу тур мусобақаларида иштирок этдик. Гулноз Жайманова, Садоқат Ҳўжаева, Гуландом Юсупова сингари спортчилар ҳам сузми бўйича катта маҳоратга эга.

Жамоамизда синхрон сузми борасида Айсулув Жақсимаевага тенг келадигани йўқ.

Али ҲАЗРАТҚУЛОВ — Қаршидаги «Насаф» ўйингоҳи директори: — Қашқадарё вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидидаги ўйингоҳ қайтадан таъмирлангандан сўнг, ўзгача чирой олд. Ун минг беш юз томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ «Совластитал» корхонасидан келтирилган ўриндиқлар билан жиҳозланди. Таъмирлаш учун 350 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Бу ерда қурилган очик сув ҳаваси ёшларни спорт билан кенг шуғулланишларига қўлай имкониятлар яратди.

Шу йилнинг 18 март куни ўйингоҳда илк маротаба жаҳон футбол йиллари ўтказилиб, Муборакнинг «Машъал», Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Айн» жамоалари куч синашдилар.

II Республика хотин-қизларининг анъанавий спартакиадасининг очилиш ва ёпилиш тадбирлари ўйингоҳда зўр шодийна билан ўтказилди. Бу ерда футбол, қўл тўпи, бокс, теннис, ахборот, сузми, таъзаваидо каби спорт секциялари фаолият кўрсатаяпти. Мамлакат Олий лига жамоасида тўп сураётган «Насаф»чилар ҳам футбол ўйинларини шу ерда ўтказдилар.

Яқинда мактаб ўқувчиларининг «Умид нихоллари - 2006» мусобақалари финал босқичига мезбонлик қилган Қаршида яна муҳим бир тадбир бўлиб ўтди. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Республика хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорликда Республика хотин-қизларининг иккинчи анъанавий спартакиадаси ўтказилди.



Маданият ходимлари томонидан уюштирилган кўнгилоқлар томошалар, маданий-маърифий тадбирлар мусобақа иштирокчиларида ўчмас таассурот қолдирди. Дорифунуннинг ёшлар

Ўзининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган қадимий ва ҳамisha навқирон Насаф байрамони безатилган. Ранго-ранг байроқлар, анъоний гулларга бурканган хиббону гулзорлар, кўркам иморатлар шаҳар чиройини янада очиб юборган. Камалак рангли фавворалардан отилаётган марварид томчилар теварак-атроф

кўрдилар. Мусобақа иштирокчиларини кутиб олиш, жойлаштириш ва уларга қўлай шароит яратиб бериш қаратилган тадбирлар мажмуасининг қатъий ихроси таъминланди.

Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Самарканд вилоятлари вакиллари Қашқадарёнинг бош дарвозасида кутиб олинган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро,

СОҒЛОМ ТУРМУШ ШУНДАЙ БОШЛАНАДИ

жавосини муътадиллаштириб, ажиб бир салқинлик бағишлайди.

Нафосат ва гўзаллик,



ро, навоийликлар Муборак туманида, қўшни сурхондарёликлар Деҳқонobodнинг Чак-чак доводина, Наманган,

марказида «Эски мачит» театрдан студияси томонидан шоир Исмоил Тўхтамишевнинг «Ёрқўрғон» достони асосида сахналаштирилган мусикали томоша, Қўлич Абдунабиев ва Нафас Шодмоновларнинг «Анджон осмонига ой чиқади» драмаси намойиш этилди. «Энг хушовоз спортчи», «Энг яхши раққоса» йўналишлари бўйича беллашувлар, баҳру байт айтушувлари, дилрабо қўшиқ ва рақслар спортчи аёлларнинг кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшди. Янги зафарларга илҳомлантирди.

эпчиллик ва чақонлик, ёшлик ва шижоат кўриги бўлган уч босқичли бу муҳим тадбирнинг мактаб, коллеж, корхона, маҳалла, шаҳар, туман, вилоят баҳсларида 1 миллион 600 минг нафар хотин-қиз қатнашди. Қизгин беллашувларда голиб чиққанлардан 600 нафари якуновчи босқичда иштирок этдилар.



Фаргона, Андижон вилоятлари жамоалари Қарши темирйўл шохбегатида катта шоду-хуррамлик, карнай-сурнай садолари остида нон ва туз билан қаршиланди. Қашқадарёликлар йўл бўйи спартакиада иштирокчиларини қизгин олқишлаб, гулдасталар тақдим этишди.

Мехмонлар Қарши Давлат университетининг сифатли қилиб таъмирланган ётоқхоналарига жойлаштирилиб, воҳанинг қадимий ёдгорликлари, янги қурилган иншоотлари билан таништирилди.

Мехмонлар Қарши Давлат университетининг сифатли қилиб таъмирланган ётоқхоналарига жойлаштирилиб, воҳанинг қадимий ёдгорликлари, янги қурилган иншоотлари билан таништирилди.

Вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, спорт ва маданият ишлари бошқармаси аёллар спартакиадасига пухта тайёргарлик

Спорт билан санъат бир-бирига яқин тушунчалар аслида. Бир кишига жисмонан тетиклик бағишласа, иккинчиси маънавий қувват беради. Хар иккиси ҳам тарбия воситаси. Спортни севган киши соғлом, бақувват бўлса, санъатга ошно қалбда эзгулик жўш уради.

Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманидаги «Тошкент денгизи» кўриқларида жойлашган «Меҳржон» болалар оромгоҳида бўлиб ўтган Ўзбекистон енгил, меҳел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимларининг VII республика спартакиадаси ҳамда тармоқ бадий жамоалари иштирокидаги VI республика кўрик-танловидан олган илк таассуротимиз шу бўлди.

Очиғи, хар икки беллашув ҳам қизиқарли ўтди. Аммо улар ҳақида батафсил ёзишни имкони йўқлиги боис, тадбирларнинг энг ҳаяжонли лаҳзаларини баён этишни лозим топдик.

Оромгоҳга етиб борганимизда, дарвоза олдида иштирокчиларни карнай-сурнай садолари остида кутиб олишди. Сўнг мезбонлар барчани ажратилган хоналарга жойлаштиришди. Кечки таомдан сўнг ҳамкасбим, суратчи Икромжон билан сайр қилиб юргандик. Шу пайт ёнимизга бир киши келиб, у билан кўюк сурашиб кетди.

— Танишинг. Бойбўри ака Ҳамзаев, Сурхондарё вилоят тармоқ қасаба уюшмаси бош мухассиси.

Ҳол-аҳвол сурашдик. Суҳбат асосида маълум бўлдики, тармоқ қасаба уюшмалари ўртасида ўтказилган «Ўз касбининг устаси» республика кўрик-танловидида Сурхондарё вилояти етти та турли даражадаги дипломни қўлга киритиб, умумжамоа бўйича биринчилиқни эгаллабди.

— 3 таси биринчи даражада, 4 таси иккинчи даражада диплом, — дейди қувонч билан Бойбўри ака. — Хали уларни эгалларига топширсак, бундан ҳам катта байрам бўлади. Нима дедингиз, бу ютуқ эртанги ютуқларимизнинг дебчаси эмасмикан?

Эрта тонгда спартакиаданинг очилиш маросими бошланиб, вилоятлардан ташриф буюрган барча жамоалар белгиланган майдонда саф тортишди. Сўз тармоқ қасаба уюшмалари Марказий кенгаши раиси Маъмура Одиловага берилди.

— Анъанавий тарзда еттинчи бор ўтказилаётган маъмур спартакиаданинг мақсади тармоқ қасаба уюшмалари тизимида меҳнат қилаётганларни жисмоний чиққитириш орқали фаоллиги ва ишчанлигини оширишдир. Уйлайманки, жисмоний тарбия ва спорт орқали меҳнат-қашлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаб бориш, меҳнат жамоалари ўртасида дустлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдек мақсадимиз ижобат бўлади.

Ўзбекистон енгил, меҳел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимларининг VII республика спартакиадаси ҳамда тармоқ бадий жамоалари иштирокидаги VI республика кўрик-танлови ана шундай ҳулосага сабаб бўлди

Спорт беллашувлари давом этаётган бир пайтда оромгоҳнинг театр сахнасида бадий жамоалар кўрик-танлови ўтказилди. Биринчи шарт - тақ-



димот бўйича жамоаларни таништирув сахнаси ҳеч қимни бефарқ қолдирмади. Сурхондарё вакилларининг ҳажий услубдаги ижроси томошабинларда катта таассурот қолдирган бўлса, Тошкент шаҳар ҳокимияти ободонлаштириш бошқармасидан келган вакиллар ўз жамоаси ҳақида фахр ва ифтихор

Касаба уюшма тадбири

билан кўйидаги мисраларни ўқиди. Тўғри, шорлар биз ҳақда шорлар ёзмайди, Бизга бағишланган қўшиқ ҳам йўқдир. Юртин обод бўлса, ораста бўлса, Қилган ишимиздан қўнғилими тўқидир.

Дарҳақиқат, ватанимиз пойтахтининг кўндан-кўнга чирой очиб бораётгани, кўчалар, хиббонларда анъоний гулларнинг ифор таратиб турганини хар кунни кўрагимиз, гувоҳи бўлишимиз. Бирок ана шу чирой, кўркамлик ижодкорлари меҳнати доим ҳам ёдга олавермаймиз.

Кўрик-танловнинг энг қизиқарли лаҳзалари тармоқ қасаба уюшмалари вилоят кенгаши раислари ўртасида ҳазил шартлар асосида ўтказилган

томошабинлар, балки уларнинг ўзлари ҳам анчагача завқ билан эслаб юришлари аниқ.

Аёллар ўртасида бўлаётган теннис бўйича мусобақаларни қузатар эканмиз, ёшлар билан тенгма-тенг беллашавтган оланнинг чаққон ҳаракатлари диққатимизни тортиди. Тошкент шаҳар «Йўлқурилиш-таъмирлаш» корхонаси ишчиси Галина Маслова бу йил 60 ёшга кириб олди. У киши теннис ракеткасини шу қадар моҳирона уйнатардики, йиғилганлар завқ билан олқишлаб туришди. Натижа ҳам шунга яраша бўлди. Галина она стол теннис бўйича мусобақада аёллар ўртасида биринчи ўринни эгаллади. Ҳа, спортда баъзан ёш ҳам аҳамият касб этмай қоларкан.

Бадий жамоалар ўртасидаги кўрик-танловнинг иккинчи — «Соғ танда» — соғлом ақл» номли босқичида жамоалар тиббиёт соҳасига оид савол-жавобларда ўз билимларини синаб кўришган бўлса, «Инсонга наф келтириш — олий бахт» деб номланган учинчи босқичда Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган саҳна кўринишлари орқали иштирокчилар қасаба уюшмалари олиб бораётган хайрли ишлар, ҳомийлик ҳаракатлари, ҳаётимизда учраётган айрим муаммолар, фарзанд тарбияси томон яна бир бор диққат-эътиборни қаратдилар.

Барчани бирдек ҳаяжонга солган, олам-олам завқ уялашган кўрик-танловда олий ўрин Фаргона вилояти жамоасига насиб этди. Биринчи ўринни Андижон вилояти вакиллари қўлга киритишган бўлса, иккинчи ўрин Тошкент ҳамда Хоразм вилояти вакиллари, учинчи ўрин эса Тошкент шаҳри, Бухоро ва Самарқанд вилоятларига берилди.

Бундан ташқари, «Энг уюшган гуруҳ» (Наманган), «Энг қувноқ гуруҳ» (Сурхондарё), «Энг чиройли саҳна беазаги» (Тошкент шаҳри), «Энг чиройли кийим» (Қашқадарё вилояти, Адолат Назарова), «Энг талантли ижрочи» (Сирдарё вилояти, Олимжон Исроилов), «Энг ёш ижрочи» (Қашқадарё вилояти, Гулноза Аминова) номинациялари бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Ҳалилар тармоқ қасаба уюшмалари Марказий кенгаши томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар улашилди.

Спорт ва санъат уйғунлиги остида ўтган спартакиада ва бадий жамоалар кўрик-танлови иштирокчилар хотирасида анчагача сақланиб қолиши табиий. Қолаверса, улар тимосида бу беллашувларнинг ҳаяжони бугун мамлакат бўйича тарқалиши ҳам бор гап. Шунинг учун ҳам спортни тинчлик элчиси, санъатни дустлик ва бирдәмлик тимоси дейишди. Дунёда соғлом инсондан бахтли одам йўқ. Санъатсевар халқнинг эса кўнгли обод бўлади.

Жаҳонгир ШАРОФБОВ, «Ишонч» мухбири

ДЕНГИЗДА ДЕНГИЗ ҚУВОНЧИ

Спорт жону диллим. Айниқса, волейбол ўйналаётган ҳолада ўзимни тутиб туролмайман. Бошқармаимизда ҳам асосан ёшлар ишлаши боисми, спортга алоҳида эътибор берилади. Бу борада бошқарма қасаба уюшма кўмитаси раиси Муҳаббат Мухамеджонованинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ҳар йили тузилажак жамоа шартномасида маданий-маиший, спорт, дам олиш тадбирлари, ходимларнинг моддий таъминоти белгилаб олинади. Вилоят, республика миқёсида ўтказиладиган барча тадбирларда жамоамиз аъзо-



лари муваффақиятли иштирок этиб қолади. Утган йили тармоқ ходимлари ўртасида ўтказилган спартакиадада аёллар ўртасида волейбол бўйича биринчи ўринни олган эдик. Бу гаги мусобақаларда ҳам жамоамиз яхши натижаларга эришди. Бунда менинг ҳам ҳиссам борлигидан хурсандман.

Фарғонада сўлим гўшалар кўпа. Бирок «Тошкент денгизи» менда ўзгача таассурот қолдирди. Насиб этса, бу оромгоҳга оиламиз



Хива гиламларининг довуғи етти иклимга кетган. Бу йили фахрлиниб юрадими, аммо бир кун келиб ўзим ҳам ана шу гиламларни ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этаман, деб ўйламагандим.

ЭНГ КАТТА ЮТУҚ

Корхонаимизда 1000 дан зиёд ишчи меҳнат қилади. Ингирув, тўқув, пардозлаш цехларида ишловчилари асосан ёшлар ташкил этади. Биласиз, хоразмликлар санъатни жудаям севишади. Шу боисми ўзим ҳам гоҳ-гоҳида қўшиқ хиргойи қилиб, рақсга тушиб тураман.

Тармоқ бадий жамоалари иштирокидаги республика кўрик-танловидида ҳам санъатсевар хоразмликларнинг юзини ерга қаратмасликка ҳаракат қилдик. Жамоамиз фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Санъат дилларни бирлаштиради, деганлар рист экан. Турли вилоят вакиллари ижросида ўша жой маданияти, урф-одати, санъатидан баҳраманд бўлдик. Таъсавурумиз бойиди. Дўстлар орттирдик. Тадбирнинг энг асосий ютуғи ҳам мана шу аслида.



Маъсуда САЛОЕВА, «Хива Карпет» Ўзбек-Германия қўшма корхонаси гилам пардозловчиси

ТААССУРОТЛАР БИР ТАЛАЙ

Мен меҳнат қилаётган Кибрай сув ишлаб чиқариш иншооти Тошкент шаҳри аҳолисини давлат стандартига тўла жавоб берадиган ичимлик суви билан таъминлайди. Вазифамиз 93 та насос ёрдамида ер остидан тортиб олинган сувни зарарсизлантириб, истеъмолга яроқли қилиб бериш.

25 йилдан буён шу корхонада меҳнат қиламан. Шавкат Азимов бошлиқ корхона маъмурияти доимо ишчи-ҳодимларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб қолади. Тармоқ қасаба уюшмалари ўртасида ўтказилаётган бугунги спорт мусобақаларига тайёргарлик кўришимиз учун ҳам барча шароитлар яратилиб берил-



Буғунги тадбирлар нафақат руҳимизга энгиллик, жамоамизга куч-қувват бағишлайди, балки меҳнат жараёнига ҳам ўз таъсирини кўрсатади, деган умидтаман. Бу гаги спартакиада таассуротларга бой бўлди. «Тошкент денгизи» кўриқларида жойлашган сўлим оромгоҳ, турли вилоятлардан келишган дўстлар билан бўлган самийий суҳбатларни анчагача эслаб юрамиз. Бунинг учун тадбир мезбонлари, ташкилотчиларга катта раҳмат.

Раъно ХУСАНОВА, Кибрай сув ишлаб чиқариш иншооти лабораторияси бошлиғи

Икромжон ҲАСАНОВ олган суратлар



Дўстлик тумани йил сайин гўзаллашиб, файзли бўлиб бормоқда. Бунда, албатта, хотин-кизларнинг ҳам ҳиссаси катта. Улар барча жабҳаларда фаол иштироклари билан

бунёдкорликнинг олдинги сафида боришмоқда. Суратда: фаол аёллардан бир гуруҳи. Б.НОРКУЛОВ олган сурат

«ХУМО» — СЎЛИМ ГЎША

«Хумо» оромгоҳи Фарғонанинг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган. Бу ерда ҳар йили саккиз юзга яқин бола ёзги таътилни марокли ўтказишади.

Фарғона механика заводи тасарруфидаги ушбу оромгоҳда мавсум олдинда қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Айни пайтда бу масканда Марғилон, Қувасой шаҳарлари ҳамда Фарғона, Тошлоқ туманидан келган 260 нафар ўғил-қиз хордиқ чиқармоқда. Кутубхона, компьютер ва интернет хонаси, сузиш ҳавзаси улар ихтиёрида. Спорт тўғрақлари мунтазам ишлаб турибди.

(ЎЗА)

Бундан тўрт йил бундан ҳам шундай бўлганми. Икки йил муқаддам ҳам. Нимани назарда тутганимизни пайқадингиз, албатта. Миллий биринчилигимиз ўйинлари Узок Шарқда ўтказилган жаҳон ҳамда Европада чемпионатлари билан уйқаш келиб, мухлислар ҳайли, табиийки, иккига бўлинган эди. Шундай ҳол яна юз берди. Германияда бошланган навбатдаги мундиал клубларимиз ўртасида кечатган баҳсларга қоришиб кетди. Беихтиёр қийлаш ва мушоҳада қилиш имконияти тугилди.

Футбол

асини 2:0 ҳисобида доғда қолдириди. Лекин эътироф этайлик, биз учун энг қизиқ уйғотган матч бу Швеция ва

МАЙДОН ТЕКИС, ТЎП ДУМАЛОҚ

Натижа эса футболчиларнинг ўзига боғлиқ?

Ўн учинчи тур, айтиш мумкинки, ҳеч бир қутилмаган натижани қайд этмади: «Самарқанд-Д» — «Локомотив» — 2:2, «Навбахор» — «Сўғдиёна» — 1:0, «Хоразм» — «Насаф» — 2:4, «Нефтчи» — «Трактор» — 4:0, «Металлург» — «Тўпаланг» — 1:0, «Машъал» — «Андижон» — 3:1, «Бухоро» — «Пахтакор» — 0:2, «Қизилқум» — «Шўртан» — 3:0

оладиган яна бир неча жамоани улар сафига қўшсақ бўлади. Лекин биз айтмоқчи бўлган гап бошқа — чамаси энди очикдан-очик кучисиз жамоа қолмаган кўринади. Локал Коста-Рикани олинг. Гарчанд майдон эгаларидан тўртта тўп ўтказиб юборган эсаларда, ҳеч бир футбол мутахассиси ушбу терма ҳақида ёмон фикр

Тринидад ва Тобаго ўртасидаги учрашув бўлди, десак асло лоф эмас. Сабаби битта — Қариб денгизи ҳавзасида жойлашган ушбу митти давлат вакиллари ўрнида, агар омад чоғланганда, Ўзбекистон терма жамоаси бўлиши мумкин эди. Икки ўйинга нисбатан бизни ютолмаган, ФИФА ижроқўми томонидан бекор қилинган яна бир учрашув натижасини инобатга олганда хатто мағлубиятга учраган Баҳрайнни плей-офда Германияга боришдан маҳрум этган шу Тринидад ва Тобаго бўлади.

Ва қўлимизни қўксимизга қўйиб бемалол айтишимиз мумкинки, Тринидад ва Тобаго футболчилари Германияга боришдан олдин бевизга Осиега келиб кетмаганликларини оқлашди. Нуфузи жиҳатидан анча юқори рейтинг соҳиби бўлмиш Швеция ўзи учун кераклик уч очко ўрнига бир очко билан қаноатланишга мажбур бўлди. Агар бунга қўшимча қилиб, шведлар бутун иккинчи таймни қўччилик бўлиб ўтказганликларини ёдга олсак, учрашув қанчалар драматик воқеаларга бой бўлганигини тасаввур этиш қийин эмас.

Ва энди бироз ҳаёлот осмониде сайр этайлик-а: агар Тринидад ва Тобаго ўрнида Ўзбекистон терма жамоаси бўлганда биз қандай манзара гувоҳига айланардик? Натижа шундай бўлармики ёки... Негадир ишонгимиз келяпти: Қосимови, Гейрих ва Шақиллари бор жамоа ҳар ҳолда Тринидад ва Тобагодан ёмон ўйнамас эди...

Германияда футбол мундиали энди бошланди. Энг кескин ва муросасиз матлар ҳали олдинда. Биз эса ҳозирданқ яна тўрт йилдан сўнг бўладиган навбатдаги чемпионатда ўз Ўзбекистонимизни кўриб турибмиз.

З.РИХСИЕВ

Турнир жадвали

Table with 7 columns: Team, Y, Yu, D, M, T-N, O. Lists results for 16 teams including Paxtakor, Nasaf, Mash'al, etc.

14-тур учрашувлари 15-16 июн кунларига белгиланган. Энг қизиқарли учрашув Тошкентда — «Пактакор» ва «Машъал» жамоалари ўртасида бўлиб ўтади. Ушбу ўйин кўп саволларга ойдинлик киритади.

Германия яшил майдонларига қайтадиган бўлсак, учрашувлар кутганимизга қараганда анчайин ўзгача ҳурматсизликларга кечатганини эътироф этишимизга тўғри келади. Хали ҳаёжон ҳувири босилмай туриб, дастлабки уч кунда ўтказилган ўйинлар натижаларига бирров назар ташлабқ бугунги футбол қаерга келиб қолгани-ю, қаён кетаётганини тасаввур этиш қийин эмас.

Кўчилларга тан бермай илож йўқ. Улар ҳақиқатан ҳам бор ва ҳар асо ўзларини намоян этишга ҳозир нозирдирлар. Германия, Англия, Бразилия, Франция, Италия... Ҳар қандай вазиятда майдонда ўз устунлигини ўрната

Муштарий фикри

Азалдан халқимиз учун тўй ҳаёт мезони саналади. Бир умр толганини тўйга йиғайди. Шу боис ёруғ ниётларга қўшиб, «Тўйларга етказсин», «Бошигингиз тўйдан чакмасин», «Тўйингизга борайлик» деб дуо қилишади.

Тўй маънавиятимизнинг ўзига хос бир қурилиши. Унинг замирида ибратга лойиқ азалий қадриятларимиз бор. Бу гўзал маросим давр, замон руҳига мос бўйиб, зийнатланиб бораётганини жуда яхши.

Кучайтиргичлар қўшиқ жозибасига салбий таъсир кўрсатиб, меҳмонларни гашига тегади. Тўйхонадаги одамлар бир-бирининг гапини эшитиши амри маҳол, тўйхона худди шовк

ТЎЙ ФАҚАТ ТОМОША ЭМАС



инхонага ўхшайди. Энг ёмон томони, ярим кечага-ча тўйдига бақир-чакиру қўшиқлар атрофдагиларнинг оромини бузади. Шу ўринда яна бир мулоҳаза: тўйда айтадиган баъзи қўшиқлар маънавиятимизга тўғри келмайди. Айрим бойваччалар қайф устида санъаткорлар бошидан пул сочишади. Минг афсинки, етти маҳалла эшитмаси ҳисоб эмас қабилида ҳаддан ортик кучли овоз

Лутфия НАБИЕВА, Шофиркон туманидаги 18-мактаб ўқитувчиси

АНТИҚА МУЗЕЙ

Ғарбий Берлинда қанд тарихи музейи фаолият кўрсатмоқда. 1904 йилда асос солинган бу антиқа музейидаги жовонлардан бири меланезияликлар бундан 17 минг йил илгари қандни кашф қилганликлари тўғрисида ҳикоя қилади.



РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Коракалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимидаги ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига марказий маклерият орқали 2006 йил 14 июндан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан ҳар савдо сессиясида бошланғич баҳоси 5 фоизга босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланиладиган куйидаги давлат объекти қўйилишини маълум қиламиз.

Коракалпоғистон Республикаси, Хўжайли туманида жойлашган, Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидеги Хўжайли тумани марказий шифохонаси неврология бўлими биносининг бир қисми.

Бошланғич баҳоси — 64697, 64 минг сўм.

Бошланғич баҳоси — 12 686 000 сўм.

Бошланғич баҳоси — 1 214 010 сўм.

Бошланғич баҳоси — 6 739 700 сўм.

2006 йил 23 июндан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида бошланғич баҳоси ҳар савдо сессиясида 5 фоизга босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланиладиган куйидаги объект қўйилади.

«Фарғона ип газлама» ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти балансида давлат вакили ҳисобланган Фарғона тумани, Оқ-тепа қишлоғида жойлашган «Водовод» дам олиш маскани бино ва иншоотлари.

«Хўжайли» акциядорлик жамияти балансида давлат вакили ҳисобланган «Эски чойхона» биноси.

2006 йил 23 июндан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори асосида бошланғич баҳоси ҳар савдо сессиясида 5 фоизга босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланиладиган куйидаги объект қўйилади.

«Фарғона ип газлама» ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти балансида давлат вакили ҳисобланган Фарғона тумани, Оқ-тепа қишлоғида жойлашган «Водовод» дам олиш маскани бино ва иншоотлари.

«Хўжайли» акциядорлик жамияти балансида давлат вакили ҳисобланган «Эски чойхона» биноси.

Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Маҳмад Ураббеов кўчаси, 1-а» уй, Республика кўчмас мулк биржаси. Телефонлар: 399 84 48, 399 80 31. Факс: 399 80 26 WWW.kmb.uz

Фарғона шаҳар, М.Қосимов кўчаси, 35-уй, РКМБ Фарғона вилояти филиали. Телефонлар: 8 (3732) 24-68-72, 24-68-70. Факс: 8 (371) 114-62-35.

Эслатма: РКМБ тизими марказлашган электрон биржа савдолари жарайида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортик харидор томонидан қизиқиб билдирилган ҳолда савдо аукцион қўрилишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.

БИЛАСИЗМИ?

Жаҳондаги энг катта яшил чирок (светфор) Англиядадир. У инглиз портларидан бирида кемалар қатновини бошқариб туради. Светофордаги рангли ёруғликлардан ҳар бирида бир ярим киловатт қувватли икки-дан галоген лампалар бор.

Кундузи уларнинг ёруғлиги 9 километрдан, тунда эса 46 километрдан кўринади.

Энг тез ҳаракатланадиган лифт япон мутахассислари томонидан Токиода 60 қаватли осмонўлар бинода қўрилган. У соатига 36 километр тизликда қўтарилиб тушади.

Лифт тезлигини ошириш мумкин, аммо максималда вулфовик эмас, чунки бунда йўловчилар Боснимнинг тез ўзгариши сабабли ўзларини ноҳуш ҳис қиладилар.

Европа ва Америка ўртасидаги энг биринчи сувоти телеграф алоқаси 1858 йили ишга тушган. Махсус экспедиция Атлантика океанининг остига кабель ётқизган.

А.АЛИЕВ тайёрлади

Газетанинг навбатдаги сони 16 июн кўни чиқади

Маъмур академиясининг 1000 йиллиги олдидан

БОБОЛАР ИЗИДАН БОРАЁТГАНЛАР

Хоразм Маъмур академияси ўзбек илм-фани тарихидаги энг юксалиш чўққиси сифатида эътироф этилади. Тарихдан маълумки, XI - XII асрларда Хоразмшоҳ Маъмур ва ундан кейин Хоразм давлати ҳукмдори Маъмур II ибн Маъмур даврида мамлакат пойтахти Кўхна Урганч йирик фан ва маданият марказига айланиб, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Саид Масийхий, Абу Наср ибн Ироқ, Абулхайр, Ибн Миснавийх, Абу Бақир Муҳаммад Хоразмий, Абу Саид Шабийий, Абулхасан Маъмур каби йирик олим, шоир, адиб, таржимонларни жамулжам қилган «Мажлиси уламо» — академия фаолият кўрсата бошлайди.

Уша даврларда Беруний ер қурраси ҳолатини таҳлил этиб, илк бор Америка қитъасини назарий кашф этганини яхши биламиз. Буёқ аждодимизнинг «Осор ал-боқия», «Хиндистон», «Сайдана», «Конуни Масъудий», «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» китоблари ўз даври дунё илми тараққиётини белгилаб берувчи намба сифатида хизмат қилади. Маъмур академиясининг яна бир буюқ вақили, шайх уррағи уновини олган Ибн Сино эса тиббиёт-ривожига бекиёс ҳисса қўшди. Қисқаси, бу йирик илм-фан маркази улкан илмий кашфиётлар яратилишига доялик қилган.

Президентимиз ташаббуслари билан қайта ташкил қилинган Хоразм Маъмур академиясида айни пайтда 52 нафар олим, шу жумладан, 2 нафар академик, 11 фан доктори ва 26 фан номзоди илмий изланишлар олиб бормоқда. Академияда 3 та йўналишдаги бўлимлар фаолият кўрсатаётир. Хусусан, «Археология, тарих ва фалсафа» бўлимида айни пайтда «Ўзбек халқининг этник тарихида Хоразм воҳасининг ўрни», «Хоразм вилояти археологик ёдгорликларини тадқиқ қилиш» мавзулари бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда. Шунингдек, «Қадимги ва ўрта асрларда Хоразм давлатчилиги тарихи» мавзуси кенг ўрганилиб, фанга муҳим аниқликлар киритилишмоқда.

«Тил ва адабиёт» бўлимида эса «IX ва XIII асрларда Хоразм ёзма адабиёти, оғзаки эпос ва ёдномалари тили» мавзуси бўйича ёзма адабиёт, халқ оғзаки ижоди, шунингдек, «Авесто»даги мифология қатлам қиссий таҳлил қилиняпти.

«Биология муаммолари» бўлими олимлари 4 та илмий мавзу бўйича тадқиқотларни амалга оширишмоқда. Воҳанинг иқлим шароитларида истикболли, серхосил, касалликларга чидамли ўсимлик навлари ўрганишмоқда. Экинларни алмашлаб экишнинг биологик асослари тадқиқ қилиниб, 12 нав гўза, 2 нав бугдой ва беда, 10 нав шолининг ўсиб ривожланиши кузатилди. Вилоят шароитида оралиқ ва такоррий экинлар самарасини ошириш, шунингдек, ерларнинг шўрлини ювиш, мавсумий суғоришда заҳмас сувидан фойдаланиш масалалари чуқур ўрганилмоқда.

Хуллас, Хоразм Маъмур академияси ўзининг 1000 йиллик тўйини муносиб қутиб олишга қизгин ҳозирлик кўрмоқда.

Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Advertisement for 'TULPOR' SUVs, highlighting their features and availability for purchase or lease.

Ishonch MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Advertisement for 'Бош муҳаррир Абдухалиқ АБДУРАЗЗОҚОВ' and related services.

Advertisement for 'Бизга қўнғирок қилинг:' with contact information for various services.

Advertisement for 'Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.' and other media-related services.